

ФАЙЗУЛЛАЕВ Фаррух Эшқабулович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик
институтининг докторанти

XVI АСР НАРРАТИВ МАНБАЛАРИДА ШАЙБОНИЙ УБАЙДУЛЛАХОН ҲАҚИДА МУХТАСАР ҚАЙДЛАР

КРАТКИЕ ЗАМЕТКИ О ШАЙБАНИ УБАЙДУЛЛАХАНА В НАРРАТИВНЫХ ИСТОЧНИКАХ XVI ВЕКА

BRIEF NOTES ABOUT SHAYBANI UBAYDULLA KHAN IN NARRATIVE SOURCES OF THE 16TH CENTURY

Аннотация. Тарихий манбаларни тадқиқ этиши орқали ҳозирги кунимизда биз учун ўтмишга айланган буюк шахслар ҳаётига гувоҳ бўламиз. Уларнинг ранг баранг ҳаёти, саркардалик фойяти, адабий ҳаётда тутган ўрни, ҳозирги кундаги аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини англаймиз. Тарихий шахс, воқеалар даврга қараб турлича талқин этилганига гувоҳ бўламиз. Ушбу мақолада XVI аср Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган жасур саркарда, шоир, таниқли дин ва тасаввуф намояندаси, илм-фан, маданият ҳомийси Убайдуллахоннинг ҳарбий юришларини мавжуд манбалар асосида ёритишга ҳаракат қилдик. Бу шахс ҳақида Эрон тарихчилари қандай ёндашувга эга бўлганлиги масаласи муайян даражада ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Шайбонийхон, “Аҳсан ут-таворих”, “Зубдат ул-асор”, Гиждуван. Наҷми Соний, “Тарихи Оламройи Аббосий”, манба, тасаввуф, қамал, колофон, маданият, шоир.

Аннотация. Через изучение исторических источников мы становимся свидетелями жизни великих личностей, ставших сегодня для нас делом прошлого. Мы понимаем, насколько важна их яркая жизнь, роль полководца, их место в литературной жизни, их значение сегодня. Мы видим, что историческое лицо, события интерпретируются

по-разному в зависимости от периода. В данной статье мы постарались осветить военные походы Убайдуллахана, отважного полководца, поэта, известного представителя религии и мистицизма, покровителя науки и культуры, сыгравшего важную роль в XVI веке в Средней Азии, основанного на доступных источниках. Вопрос о том, что говорят об этом человеке иранские историки, в той или иной степени изучен.

Ключевые слова: Шейбанихан, «Ахсан ут-таварих», «Зубдат ул-асар», Гиждуван, Наджми Сани, «Тарихи Оламройи Аббоси», источник, мистика, осада, колофон, культура, поэт.

Annotation. Through the study of historical sources, we witness the lives of great individuals who have become a thing of the past for us today. We understand how important their colorful life, the role of the commander, their place in literary life, their significance today. We see that the historical person, the events are interpreted differently depending on the period. In this article, we have tried to cover the military campaigns of Ubaydullah, a brave commander, poet, well-known representative of religion and mysticism, patron of science and culture, who played an important role in the 16th century in Central Asia, based on available sources. The question of what Iranian historians have to say about this person has been studied to some extent.

Keywords: Shaybani Khan, “Ahsan ut-tawarikh”, “Zubdat ul-athar”, Gijduvan, Najmi Sani, “Tarikhi Alamra-yi Abbasi”, source, mysticism, siege, colophon, culture, poet.

КИРИШ

XV асрнинг сўнгги чораги ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга оид маълумотларни ушбу даврларда ёзилган тарихий манбалардан олиш мумкин. Шайбонийхон (1500-1510) ва унинг сулоласи (1500-1601) ҳукмронлиги даврида бугунги Ўзбекистон ҳудудида бўлган кўпгина шаҳарларда ободончилик ишлари, ҳозири кунимизгача юксак миллий меъморчилигимиз намуналари ҳисобланган кўплаб бинолар қурилди. Шайбонийлар даврида Россия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон каби йирик давлатлар билан ўзаро савдо дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди.

Шайбонийхон курган давлатнинг кейинги ҳаётда яшаб қолишига сабабчи бўлган Убайдуллахоннинг (1533-1540) ижтимоий-сиёсий ҳаёти махсус тадқиқот объекти сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Совет даври тарихшунослигида ва мустақиллик давридан сўнг Убайдуллахоннинг адабий ёки ижтимоий сиёсий ҳаётига бағишланган тадқиқотлар ҳам бу шахснинг шахсияти, сиёсий-ҳарбий фаолиятини тўлиқ қамраб олмайди.

Убайдуллахон бутун Эрондаги Сафавийлар (1502-1736) қўшинини Мовароуннахрга киришига йўл қўймаган халқ қаҳрамони, илм-маърифат ҳомийси. XVI асрда яшаган Эрон тарихчиси Ҳасанбек Румлининг тили билан айтганда: “Убайдуллахон чет элда ном чиқарган, каттиқўллиги билан танилган, у кўп илмлардан хабардор, шеърятда беназир эди. У Султон Ҳусайн Мирзо (Бойқаро) фарзандларининг кўпини мағлуб этди [20: 520].

Убайдуллахон алоҳида тадқиқотга жалб этишга лойиқ бўлган тарихий шахсдир. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб мавжуд манбалар асосида Убайдуллахоннинг ҳарбий фаолиятини ёритишни мақсад қилдик. Илм-фан, маданият соҳасидаги ишларини мухтасар қилдик.

АСОСИЙ ҚИСМ

Убайдуллахоннинг тўлиқ исми Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шох Будоғ Султон ибн Абулхайрхондир. Муҳаммад Абдуллаев ўзининг тадқиқотида XVII аср тарихчиси Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асарига таяниб, Убайдуллахон 1487-йил, Хоразмнинг Вазир шаҳри яқинидаги Тирсак мавзесида Шайбонийхоннинг Хоразмни эгаллашдаги ҳарбий юришлари вақтида туғилган деб маълумот беради. Убайдуллахоннинг отаси Маҳмуд Султон Шайбонийхон Мовароуннахр учун курашдаги жангларда унга ёрдам берган.

Бу юришларда ёш Убайдуллахон ҳам иштирок этган. Шайбонийхон ҳарбий юришларида доимий ҳамроҳи укаси Маҳмуд Султонга хизматлари эвазига Бухоро шаҳрини беради. Жумладан, машҳур шоир Муҳаммад

Солиҳ (XV аср охири XVI бошлари) ўзининг “Шайбонийнома” асарида қуйидаги мисра келтирилади.

Борди Маҳмуд деган султон ҳам

Ки Бухоро аҳлини қилгай хуррам [13: 84-120]

Шайбонийхон Мовароуннахрда ўрнашгандан сўнг, 1504 йилда Хусравшоҳ ҳукмронлик қилиб турган Қундуз шаҳрини бўйсундирди. Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг (XV асрнинг II ярми ва XVI асрнинг I ярми) “Зубдат ул-осор” (“Сара ривоятлар”) асарида келтирилишича, Қундуз шаҳрини ҳам укаси Маҳмуд Султонга беради. Маҳмуд Султон Қундуз шаҳрида вафот этади, лекин муаллиф унинг вафоти сабабини келтирмайди [7: 36]. Муҳаммад Шайбонийхон Маҳмуд Султон вафотидан сўнг Убайдуллахонга Бухорони бериб унга Ўрусбек Дўрмонни оталиқ этиб тайинлайди [17: 6]. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (XVI)нинг “Тарихи Рашидий” асарида келтирилишича 1505-1506 йиллардан бошлаб шайбоний султонларга тегишли барча ишларни Убайдуллахон бошқарган.

Шайбонийхон Мовароуннахр тахтини тўла эгаллагандан сўнг, Бобур мирзо Кобулга кетади. Шайбонийхон ҳар доим Хуросонни забт этишни орзу қилган. Лекин Султон Ҳусайн Мирзо борлиги сабабли унинг нияти амалга ошмаган. Фақатгина Шайбонийхон Султон Ҳусайн Мирзонинг вафотидан сўнг, Хуросонни эгаллаш учун ҳаракат қилади [20: 396]. Жумладан, Убайдуллахон Хиротни эгаллашда жуда катта жонбозлик кўрсатган. Шайбоний султонлар жангда енгилиб қочаётганида Убайдуллахон ярадор бўлишига қарамасдан барча шайбоний султонларини жангга ундаб Шайбонийхон ғалабасини таъминлаб берган [20: 398].

Шайбонийхон 1509 йил 24 январда қозоқлар устига юриш қилади ва қозоқлар устидан ғалаба қозонади. “Зубдат ул-осор”га кўра Шайбонийхон Дашти Қипчоққа ҳужум қилганда Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султонлар бутун қўшинни бошқарганлар. Жанг вақтида Убайдуллахон яраланади ва отдан

тушиб жангни килич ва ханжар билан давом эттиради [7: 36].

1510 йилда Шайбонийхон Марв қалъасида Эрон шоҳи Исмоил Сафавий томонидан қамал қилинади. Шайбоний султонлар ичида биринчилардан бўлиб Убайдуллахон амакиси Шайбонийхонга ёрдам беришга ҳаракат қилади [10: 61].

Эрон тарихчиси Искандар Мунший (XVI-XVII асрлар)нинг “Тарихи Оламорийи Аббосий” (“Аббосийнинг жаҳон зийнати тарихи”) асарида келтирилишича, ушбу жангда Муҳаммад Шайбонийхон қўшини 30 минг киши эди деб берилади [21: 412]. Ушбу асар Сафавий ҳукмдорларининг улуғворлигини ифодалаб, қўшин сони бироз катта қилиб кўрсатилган. Ёки муаллиф бу тўғрисида маълумотга эга бўлмаган. Аслида Шайбонийхонда жами 17 минг қўшин бўлган.

Самарқандда ҳукмдор бўлган Муҳаммад Темур султон отаси Шайбонийхон ўлдирилгач, Бухоро ҳукмдори Убайдуллахон, Жонибек султон ва Мовароуннахрнинг бошқа шайбоний султонлари Исмоил Сафавий билан бундан буён Хуросон ерларига ўтмасликка келишиб олишади [20: 412]. Назаримизда Убайдуллахон бошлиқ шайбоний султонларининг биринчи мақсади Мовароуннахрдаги вазиятни тартибга солиш бўлган. Шайбоний султонлар Моароуннахрда тўла ўрнашгач, Хуросонга бўлган юришлар бунга далилдир.

Убайдуллахон ва Шайбонийхоннинг ўғли Муҳаммад Темур Султон Сафавийларнинг Мовароуннахр ичкарасига бостириб киришидан чўчиб Исмоил Сафавий билан элчилар аламашиб сулҳ тузишга ҳаракат қилганлар [17: 8].

Тарихий манбалардан маълумки Бобур мирзо иккинчи маротаба Самарқандни қўлга киритганда халқ даставвал бундан мамнун бўлиб Бобур Мирзога катта ҳурмат кўрсатади. Лекин, Самарқанд халқига шиа мазҳабига мансуб эронийларнинг келиши ёқмайди. Шунингдек Бобур мирзо Исмоил Сафавий номини Хутбага қўшиб ўқитади. Маҳаллий халқнинг Бобурга нисбатан норозилигидан

фойдаланиб Убайдуллахон Самарқандни олишга киришади.

Шайбоний хоқонлардан Убайдуллахон Жонибек султоннинг маслаҳати билан 2600 киши билан Еттиқудук ва Тўртқудук йўли орқали Бухорога ҳужум қилади [10: 61]. Бухоро доруғаси Ширим тоғойи бу ҳақида Бобурга хабар етказади. Бобур 60 минг кишилиқ қўшин билан Самарқанддан Бухорога қараб йўлга чиқади [9: 21]. Қўшинлар сони тарихий манбаларда ҳар хил кўрсатилган. Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асарида Убайдуллахон қўшини 2800 киши [14: 54], Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музаққирӣ аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) тазкирасида Убайдуллахон қўшини 3000 нафар [9: 21], Бобур Мирзо қўшини 60 минг киши эди деб қайд этилган.

“Аҳсан ут-таворих” асарида келтирилишича жанг пайтида Убайдуллахон ҳарбий ҳийла ишлатади. У икки юзта яхши қуролланган кишиси билан бир чуқурга яшириниб олади. Бобур жанг майдонида шайбонийларнинг қочди деб ўйлаб, уларнинг ортидан марказга қўшин жўнатади. Атрофида беш юздан ортиқ одам қолдирмайди. Убайдуллахон яширинган жойидан чиқиб, Бобур қўшинига ҳужум қилиб жанг тақдирини ҳал қилади [20: 415]. Бухоронинг ҳозирги Жондор тумани Малик қўли атрофида 1512-йил 28-апрелда бўлган бу жангда Бобур енгилади [3: 53]. Бобур Мирзо аввал Бухорога эртаси куни Самарқандга чекинади, вазият жиддийлигини билиб эртаси куни Ҳисорга ўз оиласи билан кетади [15: 63]. Убайдуллахон эришган ғалабадан хабар топган Исмоил Сафавий шу йилнинг ўзида ўн ёки ўн икки минглик отлик қўшинни Бобурга ёрдамга жўнатади. Нажми Соний Хуросонга келди. Ҳиротдан Ҳусайнбек бир гуруҳ аскарлар билан унга қўшилади ва иккаласи Мовароуннахрга йўл оладилар [8: 63]. Нажми Соний жами 80 минг кишилиқ қўшин билан Амударёдан ўтиб келади [20: 416].

Шу ўринда ўша даврда катта нуфузга эга бўлган диний раҳнаомоларнинг ҳам сиёсий ҳаётда катта ўрин эгаллаганини ҳам қўришимиз мумкин. “Бадоеъ ул-вақоеъ”

асарида келтирилишича Нажми Соний бошлиқ қизилбошлилар Қаршини қамал қилганда Убайдулла Баҳодирхон – Карманада, Кўчкунчихон ва Темур султон ва бошқалар Миёнколда эдилар. Улар чекинишга шайланиб турганда Мир Араб Туркистон вилоятдан Бухорога келади. Мир Араб Убайдулла Баҳодирхон бошлиқ барча шайбоний султонларни бирлаштириб жангга ундайди [19: 44]. Нажми Соний бошлиқ Эрон асакарлари Қарши шахрига юриш қилиб артиллерия ва милтиқлар ёрдамида шаҳарга бостириб қиради ва бу ерда оммавий қатлиом ўтказилади. Жами 15.000 мингга яқин киши қатл этилади. Нажми Соний Қарши шахрида шунчалик ваҳшийлик қиладики ҳатто жомеъ масжид ичида беркинган хотин ва ёш болаларгача ўлдиради [20: 416].

Убайдуллахон бошлиқ шайбоний султонларнинг кам сонли қўшинидан, эронийларнинг Нажми Соний ва Бобур Мирзонинг бирлашган қўшинлари 1512-йил 24-ноябрдаги Гиждувон яқинидаги Зарангарон қишлоғи яқинидаги жангда мағлубиятга учрайди [20, 8, 17].

Қаҳрамон Ражабов ўз рисоласида Нажми Соний жанг вақтида ўлдирилган деган маълумотни беради. «Бадоеъ ул-вақоеъ»да [19: 42], «Аҳсан ут – таворих»да [20: 417], «Ҳабиб ус-сияр»да [8: 289], «Тарихи Оламорийи аббосий» [21: 93] асарларида Нажми Соний жанг вақтида асир олингани ва Убайдуллахон олдига келтириб сўроқ қилингани ва кейин қатл этилгани келтирилган. Байрамбей ва унинг одамлари Убайдуллахон қўшинининг чап қаноти ҳужумини қайтариш учун боради ва уруш пайтида ҳалок бўлади [20: 417].

Ғалабадан кейин Убайдуллахон Бухорони эгаллаб, Самарқандга келиб ўз номига хутба ўқитади. Бухоро ва Қарши вилоятларини олиб, қолган ҳудудларни шайбоний султонларга тақсимлаб берган. Убайдуллахон тахтга ўтиришга даъво қилмаган. Шайбонийлар анъанасига кўра энг ёши улуг бўлган Кўчкунчихон ундан сўнг ўғли Абу Саидхон тахтга ўтиради. Бу вақтларда Убайдуллахон ҳоким ва ноиб сифатида қолаверган. Абу Саид вафотидан кейингина, Убайдуллахон тахтга

ўтиради. Убайдуллахон 1513 йили Марвни қўп ўтмай, Хоразмни эгаллаб уни бошқаришни ўғли Абдулазизга топширади.

Маълумки Шайбонийхон вафот этгач, Исмоил Сафавий Хуросонга юриш бошлаб, Хиротни деярли жангсиз эгаллайди. Хуросонни қайта эгаллаш мақсадида Убайдуллахон 15 йил ичида Хирот, Машҳад, ва Нишопурга 6 марта қўшин тортиб, уни қайтариб олишга ҳаракат қилади [17: 11].

1521 йил 24 май куни Убайдуллахон 30 минг кишилиқ қўшин билан Ироқ дарвозасидан ҳужум қилиб, Хиротни қамал қилади. Шаҳар Сафавийлар томонидан яхши ҳимоя қилинган ва шайбонийлар Ражаб ойининг 2-куни (08.06.1521) жума куни Убайдуллахон чекинишга мажбур бўлган. Бу Шоҳ Исмоил 1 даврида Шайбоний-Сафавийлар ўртасидаги охириги йирик жанг эди [22: 45]. Эрон шоҳи Исмоил Сафавий 1524 йил 23 майда 37 ёшида касалликдан вафот этди. 1524 йилда Исмоил Сафавийнинг ўн ёшлиқ ўғли Тахмасп тахтга ўтирди [20: 447].

1527 йилда шайбонийлар Марв, Машҳад, Астробод, Нишопур, Сабзаворни эгаллаб олишди, Хирот ва Тусни қамал қилишди.

1528 йилда шайбоний қўшини яна Хуросонга бостириб кирди Хиротни қамал қилади. Тахмасп Хуросонга катта қўшин билан келади. Португаллардан қуроллар ва артиллерия билан Убайдуллахон Жом шахри яқинида мағлубиятга учратади. Бу Убайдуллахон ҳарбий фаолиятида биринчи ва энг йирик мағлубият бўлган [20: 521].

Абу Саид вафот этгач Убайдуллахон 1533-йилда Шайбонийлар сулоласининг бош хони сифатида тахтга ўтиради. Убайдуллахонни Самарқандга Кўчкунчихоннинг ўғли Абдулатиф киритгани қўймайди. Убайдуллахонга Бухорода хутба ўқилади. Шунингдек у Бухорога ота мулки сифатида қарар эди. 1533 йилдан бошлаб Шайбонийлар давлати Бухоро хонлиги деб атала бошланди. Шайбоний Убайдуллахон (1533-1539) даврида Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайди ва Мовароуннаҳрнинг сиёсий-маъмурий марказига айланади.

Убайдуллахон кўшни давлатларга ҳам харбий жиҳатдан ёрдам бериб турган. Жумладан: 1537 йилда Ёркент хони Абдурашидхон илтимосига биноан, Убайдуллахон ва Абдурашидхоннинг бирлашган кўшинлари Иссиқкўлнинг Сангтош деган жойида бўлган жанг козок ва кирғизларнинг йирик мағлубияти билан тугаган. Ёркент хонлигини козок ва кирғизларнинг хавфидан сақлаб қолган [3: 133].

1537 йилда Шайбоний султонлар Бухородан Убайдуллахон, Тошкентдан Бароқхон, Самарқанддан Жавонмардхон, Ҳисордин Ҳамза ва Махди султоннинг набиралари Хоразмга йўл олади. Урганч эгалланиб, Аванешхон кўшинларини мағлуб этилади. Хон ўлдирилади. Урганчга ўғли Абдулазизни ҳоким қилиб тайинлайди [2: 133].

Аванешхон авлодлари Дарунга Динмуҳаммад ҳузурига бориб ундан ёрдам сўрайдилар Динмуҳаммад адоқли туркманлар ёрдамида Хивани эгаллаб шайбонийлар доруғасини ўлдиради. Абдулазизхон отаси олдиға қочиб кетади. Убайдуллахон томонидан юборилган кўшин ҳам мағлубиятга учрайди. 1538 йилда Убайдуллахон Бухорога қайтди ва яна Хуросон устиға урушға отланади. Лекин касаликка чалиниб кўп ўтмай 54 ёшида 1540 йил

17 март куни (ҳижрий 946 йилнинг 8 зулқада жума куни) Бухоро шаҳрида вафот этади [16: 134]. Убайдуллахондан икки фарзанди қолган. Катта ўғли Абдулазизхон бўлиб, унинг онаси козоклардан. Иккинчиси Муҳаммад Раҳим султон бўлиб унинг онаси мўғуллардан бўлган [10: 55].

Хулоса

Шайбонийхон ва унинг авлодлари Мовароуннаҳрдаги фаолияти четдан кириб келган бир босқинчи эмас, балки бу ерда илм-марифатни кенг тарғиб қилиш, кишлок ва шаҳарларни обод этишда катта хизмат қилган шахсдир. Ўша давр Эрон тарихчилари томонидан ёзилган асарлар гарчи Сафавийлар давлати манфаатларига мослаб ёзилган бўлсада, Убайдуллахоннинг юксак маҳоратли саркарда

ва ўз даврининг ниҳоятда ўқимишли инсон эканлиги ҳақидаги яхши фазилатларга эга эканлигини инкор этмаган. Убайдуллахон диний илмларни чуқур эгаллаган. Тасаввуф ва Қурон илмларини жуда яхши билган. Убайдуллахон “Убайдий”, “Қул Убайдий”, “Убайдуллоҳ” тахаллуслари билан ўзбек, форс ва араб тилларида ижод қилган. Унинг уч тилда битган шеърларидан иборат уч девони “Куллиёт”и ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида 8931 рақами билан сақланади. Убайдийнинг шайбоний тилидаги девони 306 ғазал, 435 рубоий, 25 қитъа, 13 туюқдан иборат. У “шер илмларида соҳиби фан” ҳисобланган Убайдуллахоннинг ижодкорлик, саркардалик, бунёдкорлик фаолияти ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Шу жиҳатлар сабабидан бўлса керак, унинг фаолияти асрлар оша Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ олимларининг фаолиятида катта ўрин эгаллаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев М.Ҳ. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Филология ф.н. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2000.
2. Абулғозий. Шажарайи турк / Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров, Қ.Махмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 509 б.
3. Замонов А., Тўхтабеков К. Бухоро хонлигида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. – Тошкент, 2017 – 160 б.
4. Бабаджанов Б. Мир-и Араб // Культура кочевников. – Материалы Международной конференции. – Алматы, 5 июня 1995. – С. 88-102.
5. Мирзаев. Б. Убайдуллахон Шайбонийлар давлатининг ҳукумдори. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – 34 б.
6. Джураева Г.А. Мир-и Араб и политическая жизнь в Бухаре в XVI в. // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма // Сб. статей. – Москва: Наука, 1985. – С. 74-79;
7. Duman S. Zübdetü'l-âsâr [vr.461b-474b] adli eserini transkripsiyon ve deęerlendirilmesi. Afyonkarahisar. 2015. – S. 36.

8. Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин Хондамир буюклик хислати “Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар” – “Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст» китобининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблари. – Тошкент: “ШАРҚ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2011. – 304 б.
9. Ҳасан Хожа Нисорий. Музаққир ул-аҳбоб / Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. - 536 б.
10. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом / Форс тилидан Содиқ Мирзаев таржимаси. I китоб. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 416 б.
11. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998 - 423 б.
12. Низомиддинов И. “XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари”. – Тошкент: Фан, 1999. – 117 б.
13. Муҳаммад Солих. Шайбонийнома. – Т., 1989. – 335 б.
14. Мухамед Юсуф Мунши. Муқимханская история. / Пер. с тадж., предисл., примеч., и указатели А.А.Семёнова. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1957. – С. 296.
15. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Воҳид Раҳмонов ва Янглиш Эгамова. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 535 б.
16. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. (Мамлакатларнинг эгалланиши) / Форс тилидан тарж., изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Исмоил Бекжонов ва Дилором Сангирова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 429 б.
17. Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон (рисола). – Тошкент. “Абу матбуот-консалт” НМУ, 2011. – 31 б.
18. Васильев А.Д. «Знамя и Меч от Падишаха» Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI-начало XX вв.). – Москва: Институт востоковедения РАН, 2014. – С. 58.
19. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 361 б.
20. Нәсән Бәй Румлу. Өһсәнүт-тәварих (Tarixlərin ән уахşısı). / Fars dilindən tərcümə və şərhlər Өфәндијев О. – Kastamonu. 2017. – S. 520.
21. Gsgәndәр bәy münğg türkman. Targh-g әlәmara-yğ abbasğ (abbasin dүnyani bәzәyәn targhğ)j cğld. Farscadan tərcümәnin, ön sөzün, Gәrhlәrin vә gөstәricilәrin müәlliflәri AMEA-nın müxbir üzvü, tarix elmlәri doktoru, professor Өfәndiyev. O. tarix elmlәri namizәdi Musalı. N – Baki, 2009. – S. 412.
22. Çinar G.K. Safevi-Özbek Siyasi İlişkeleri ve Osmanlı'nın Tesiri (1524-1630).: «Doktora Tezi». T.C. Afyon Kocatepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Tarih anabilim dalı, Afyonkarahisar 2011. S. 45